

Ўқиши сифати яшаш шароитига боғлиқ

Талабаларга яратилган шароит билан қизиқиш уларнинг дарс машғулотларининг ўзлаштиришларига бевосита даҳлдор экани аён. Талабаларга ўқиши шароитлари кўнгилдагидек яратилгани аниқ. Айни пайтда уларнинг истиқомат қиласидиган жойлари қай тарзда эканлигини билиш педагогларнинг, мураббийларнинг бурчи ва вазифасидир.

Худди шу маънода, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ётоқхоналардан ташқарида ижарада яшаётган ГИМ факультети ХФХ йўналиши 409-гурух талабаларнинг яшаш шароитини ўрганиш мақсад қилинди. Гурух мураббийси доцент А. Э. Парманов бошчилигида талабалар яшаётган жойлар кўздан кечирилди.

Тошкент шаҳридаги Яшнобод тумани Зебо Шамсиддинова кўчаси 87-уйда яшовчи “ГИМ” факультети талабалари Имоналиев Абдулазиз Азимжон ўғли, Имомов Фарход Собиржон ўғли, Абдулхакимов Фарход Таваккилжон ўғлининг яшаш хонадони ўрганилди.



Номлари қайд этилган талабаларимиз кафедрамизда ишлайдиган Султонова Санобар Мансуровнанинг хонадонида яшайдилар. Талабаларнинг турмуш шароити яхши. Шундай бўлса-да, ёнғин хавфсизлиги қоидалари билан таништириб ўтилди.

Солиев Азизбек Авазбек ўғли Юнусобод тумани Бодомзор йўли кўчаси 1-уй 34-хонадонда яшайди.



У билан санитария-гигиеник, ёнғин хавфсизлиги талаблари бўйича сухбат ўтказилди.

Валижонов Машхуржон Раимқулов Суннат Муҳаммадиев Рахматиллалар эса Мирзо Улуғбек тумани Оққўрғон кўчаси 4-уй 56-хонадонда яшашади. Буларга ҳам хонадонда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, газ плиталаридан тўғри фойдаланиш тўғрисида тушунча берилди.

Мирзо Улуғбек тумани Оққўрғон кўчаси 21а-уй 84-хонадонда ижарада турувчи Шодиев Темур Алишер ўғлига кўрсатмалар берилгач, хонадондаги ошхона ҳолати кўздан кечирилди ва керакли йўл-йўриқлар берилди.

Турдиев Шуҳрат Ғайрат ўғли Мирзо Улуғбек тумани Турон кўчаси 1 “Б”- уй 19 - хонадонда истиқомат қиласиди. Уй эгаси Абдиева Гуллола билан талабаларнинг кийиниш маданияти, гигиена қоидалари тўғрисида сухбатлар олиб борилди ва керакли кўрсатмалар берилди.

Тошкент вилояти Зангиота тумани Қумариқ маҳалласи 56-уйда яшаётган Акбаралиев Баҳром Бобур ўғлига ёнғин хавфсизлиги, газдан тўғри фойдаланиш бўйича тушунтириш берилди.

Яшнобод тумани “Авиасозлар” мавзеси 3/23 - уй 68-хонадонда яшовчи Оллаберганов Исмоилга, уй эгаси Қурбонов Сарварбек билан биргаликда бир мунча йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди.

“Гидромелиорация ишларини механизациялаш” факультети “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши 409-гуруҳда таҳсил оладиган талабалар 28 тадир. Улардан 26 таси ўғил бола, 2таси эса қиз болаларни ташкил қиласиди. Гуруҳдаги ўғил болаларидан 10 таси ҳарбий хизматда бўлганлар. Улардан Зтасига “Ёшлилар иттифоқи” томонидан 35% контракт пули тўлаб берилади. Булар Турдиев Шуҳрат, Зулфиқоров Мусурмон, Рахмонов Самандарлардир. Гуруҳдаги талабалардан 2таси 2-ТТЖда, 18таси эса ижарада турса, 8та талаба ўз уйидан қатнайди.

Гуруҳимизда 4таси кам таъминланган бўлиб, ҳар бирининг яшаш шароити билан танишиб чиқдик. Ушбу ишлар қаторида 18та ижарада яшайдиган талабалар яшаш шароити ҳам тўла ўрганилди.

Ижарада яшайдиган талабаларга санитарий-гигиеник талаблар, яшаш шороити одоб-ахлоқ

қоидалари, газдан фойдаланиш талаблари, компьютер воситалари, интернетдан фойдаланиш қоидалари тўғрисида маълумотлар берилди.

Бу борада фаол талабалардан гуруҳ сардори -Оллаберганов Исломжон Отабек ўғли, гуруҳ сардори ёрдамчиси-Зулфиқоров Мусурмонқул Рустам ўғли, гуруҳ Ёшлар иттифоқи етакчиси-Турдиев Шухрат Файрат ўғли, гуруҳ касаба уюшмаси сардори-Йўлдошев Жавлон Тохир ўғлини, айни пайтда аъло баҳоларга ўқийдиган талабалардан Раҳмонов Самандар Сатторали ўғли, Солиев Азизбек Авазбек ўғли, Оллаберганов Исломжон Отабек ўғли, Турдиев Шухрат Файрат ўғли, Имомов Фарҳод Собиржон ўғли, Зулфиқоров Мусурмонқул Рустам ўғли, Иманалиев Абдулазиз Азимжон ўғли, Валижонов Машхурбек Мирзоҳиджон ўғли, Жониқулов Жўрабек Отабек ўғлининг номларини алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Гуруҳ мураббийси доцент А. Э. Парманов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов